

Ўктамали Нурматов

Кўнгилдаги гаплар



«Фарғона» нашриёти
2010

Ўқтамали Нурматов

Кўнгилдаги гаплар

“Фарғона” нашриёти ,2010 йил -48 б.

Мазкур китобда муаллифнинг ҳаёт, одамлар ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги ўй-фикрлари сиқик сатрларда образли тарзда баён қилинган ҳамда унинг шеърӣй машқлари ва олмон тилидан қилган таржималари ўрин олган..

Китобча кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган

ISBN 978-9943-347-04-5

© “Фарғона” нашриёти
2010 йил

МУҲАРРИРДАН

Азалдан заҳматкаш одамларни қуёшга ўхшатишади. Улар ўзларидан нур таратиб, минглаб қалблардан эзгулик уруғларини униб чиқишига қўмакдош бўладилар.

Олим ва ижодкор Ўктамали Нурматов ҳаётни илм ва адабиётга баҳшида этган фидойи инсонлардан.

У 1950 йили Наманган вилоятининг Чуст тумани, Олмос қишлоғида туғилган. 1967 йилда Фарғона Давлат педагогика институтининг (ҳозирда университет) чет тиллар факультетига ўқишга кириб, Наманган Давлат педагогика институтида давом эттириб, “Немис тили ўқитувчиси” мутахассислиги бўйича тамомлади. Илмий фаолият олиб бориб, “Фридрих Шиллер трагедиялари ўзбек тилида” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Касбига садоқати туфайли мамлакатдаги қўнлаб олимлар назарига тушди. Таниқли олим, филология фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Ғайбулла Саламовнинг унинг илмий ишига раҳбарлик қилиши Ў.Нурматовнинг салоҳияли олим эканлигидан далолат.

Ў.Нурматов ўз фаолияти давомида 70 дан ортиқ рисола ва илмий-услубий мақолалар чоп эттирди. Бадиий ижодга бўлган чексиз муҳаббати адабиёт оламига етаклади.

Шеърлари самимий. Онага ёзилган мактубдай меҳрга тўла. Шу меҳр уни мухлисларга боғлаб туради. “Юрт соғинчи” шеърида шундай ёзади:

Гарчи осмонида шамси чарақлар,
Юртим қуёшидек қиздира олмас.
Суви ҳам шишада нурдек ярақлар,
Булоғим сувидек чанқоқ қолдирмас.

Китобдан қўнғилга яқин ўғитлар жой олган. Ўқиган киши чин маънода озиқ олади. Ўз ўзини тафтиш қилади, эзгу амаллар қилишга киришади. Ижодкорнинг асл мақсади ҳам шу. Китобдаги таржималар хусусида икки оғиз сўз. Таржима соҳасида икки халқ руҳиятини қалбан ҳис қилган кишигина муваффақият қозонади. Ўктамали Нурматовнинг таржималари бундан мустасно эмас. Мен Ў.Нурматовга доимо ижодий парвозлар тилайман.

Ш Е Ъ Р Л А Р

Онажон

Оғир мусибат тушди бошимга ,
Ҳавода кислород тугади бугун,
бўғилмоқдаман.

Бўғзимдан отилиб чиқмоқда бир сўз -
Онажон!

Юрагим қотди тугилган мушт мисол,
Бугун қулади осмон, ёрдам,
ёрдам зарур.

Бўғзимдан отилиб чиқмоқда бир сўз -
Онажон!

Чарх урмоқда бошим узра оч қора
калхат,
Илону чаёнлар чирмаган бор
вужудимни,
ажал яқин...
Бўғзимдан отилиб чиқмоқда бир сўз -
Онажон!

Аёлим риёкор, фарзандим ноқобил,
Лавозим абас, обруйим чақа,
вайрон кошона

бугун
Бўғзимдан отилиб чиқмоқда бир сўз -
Онажон!

Эй бандаи ожиз! Эй, ақли ноқис зот!
Юксак тахт устида ўтирганда ман,
манман
Булутлар устида тушганимда рақс,
сармаст,
Нечун бўғзимдан отилиб чиқмади бу сўз -
Онажон!

Нахотки кулфат тушганда бошга,
Қота бошласа томирларда қон.
Бўғиздан отилиб чиқади бу сўз -
Онажон!

Жон таслим қилолмай инграса ўғил,
Зурриёд кўролмай чинқирса аёл...
Бўғиздан отилиб чиқади бу сўз -
Онажон!

Ханжар санчилганда юракка нахот,
Нахот ҳаёт саваласа биз фарзандларни.
Ўшанда эслаймиз Уни -
Онани,
ўшанда
Бўғиздан отилиб чиқади бу сўз -
Онажон!

Нахотки ҳамиша шундай,
шундай абадий?
Мен Сендан сўрагим келмоқда, Ҳаллоқ.
Бўғзимдан отилиб чиқмоқда сўроқ !

* * *

АЁЛИМ

Уммон ичра мавжланади тўлқинлар,
Мен тўлқинман, ўзинг эса уммоним.
Ой нуридан мунаввар сиё тунлар,
Кўнгил тоқин моҳидирсан, Аёлим!

Йўқ бўлса ҳам шоирликка даъвойим
Шеърга ошно сенинг билан хаёлим.
Дил субҳидам ташрифидан шод доим,
Оромижон ҳавойимсан, Аёлим!

Ҳаётим мазмуни яккаш ўзингсан,
Сен ўзинг илҳомим, сен ўзинг болим.
Чиройли бўйларму гулларсиз чаман,
Умрим чаман эрса,гулсан, Аёлим!

Сени мақташ учун луғатлар ғариб,
Қалбим чўл сенингсиз суву зилолим.

Бемаҳал тўкилган баргдай сарғайиб-
Қолмайлик, илоҳим, мунис Аёлим!

* * *

Ўзинг тоқ,

Сени гулга ўхшатурлар шуаро,
Сени ойга ўхшатурлар ҳофизлар.
Юлдуз ҳам сен, қуёш ҳам сен, қалб аро
Мангу қолур ишқинг солган шаън излар.

Мен вафода Мажнундан ҳам кучлироқ,
Лайли надир, ундан минг бор гўзалим.
Сен ўзингга ўхшагайсан, ўзинг тоқ,
Умр бўйи ёзган суюк ғазалим!

* * *

ЮРТ СОҒИНЧИ

Оврупанинг йўлларин беармон кездим,
Пурвиқор уйлардан кўзим қувониб.
Тўқислик ҳам тартиб борлигин сездим,
Мусаффо ҳаводан сипқордим қониб.

Лек недур етмади менга ҳамиша,
Ненидир қумсайман, кемтик юрагим.
Ватаним-онамдек саховатпеша,
Ҳаттоки ғуборинг экан керагим.

Беибо қизлари кўринди хунук,
Гарчи кўркам эрур ҳусн, пардози.

Ўзбек аёлидек жозибаси йўқ,
Йўқ кумри сасига туташ овози.

Гарчи осмонида шамси чарақлар,
Юртим куёшидек қиздира олмас.
Суви ҳам шишада нурдек ярақлар,
Булоғим сувидек чанқоқ қолдирмас.

Дўконда мевалар уюм ва уюм,
Қараб тўймайсану мазаси қани?!
Барчасига арзир бир шингил узум,
Тилни тарс ёрувчи ўзбек қовуни.

Унитиб бўлмагай сени ҳеч диёр,
Ўзингсан борлиғим, жону жаҳоним.
Куйласам кўлимда сайрагувчи тор,
Мадҳинга бахшида ўтар ҳар оним...

Лайпциг, сентябрь-октябрь 2002 й.

* * *

М... га

Кўзи кўрга ёрдам кўлин чўз,
Манзилига етсин соғ-омон.
Қалби сўқир кўрнамакдан қоч,
Яхшилиқни хўрлар бегумон.

Ҳаёт берди кўп аччиқ сабоқ,

Шунга амал қиламан дейман.
Менга қалбим бўйсунмас бироқ,
Нонкўрга ҳам узатаман нон.

* * *

Дунёнинг ишларин тушунмадим ҳеч...

Қоғоз гул тиригин илмас назарга ,
Пўстак назарида гилам бир чақа.
Найнинг овозига кулар ноғора,
Булбул шогирдим деб керилар бақа.

Истарам иссиқ деб вишиллер илон,
Чаён беозорликда эмиш кирои .
Фил нозик, айиквой чаққонмиш чунон,
Қора булутлар ҳам экан чиройли.

Чақир тикон ўзин санайди пари,
Вафодан ваъз айтар суюқ оёқлар.
Кесак қиз ўзини билади Лайли,
Эшаклар тўрдаю пойгакда отлар.

Камтарликда эмиш терак пешқадам,
Лоф урар покман деб ўғри каламуш.
Қўлмак устун қўяр ўзин чашмадан,
Қўлтиктаёқ оёқдан қулайроқ эмиш.

Туяқуш учишдан беради сабоқ,
Юлдуз қуёшдан ҳам эмиш иссиқроқ.
Тулкига югирдак баъзи йўлбарслар,
Соҳиби илмдан омилар бойроқ.

Дунёнинг ишларин тушунмадим ҳеч...

* * *

Кечиккан мухаббат

Кунларим кечарди тонг каби оппоқ,

Қора булутлардан холи самоим.
Ногоҳ гумбурлади момоқалдироқ,
Армонли муҳаббат забт этди қалбим.

Уйқумда йўқолди мутлоқ ҳаловат,
Тушкунлик кемирар бор вужудимни.
Ёр васли сароб, орзулар сароб,
Кечиккан муҳаббат олар жонимни.

* * *

Модерн усулида

Шоир ёр холи учун
Самарқандни қилибди тухфа.
Менда на шаҳар бор,
Кулбам ҳам йўқ сенга беришга.

Мен ўзимни қилай бахшида,
Кўз нуримни олақол, майли.
Ёнган юрагимнинг оловини ол,
Икки дунёимни бераман, майли.

Фақат... битта ўтинч-илтижо:
Озгина меҳр бер мен ғарибингга,
Қашшоқ ошиғингга лутф қил озроқ
Шудир кифоя, қиламан шукур,
Бош кўяман иссиқ кўксингга...
Ва бераман жон !

* * *

Бу дунёда

Бу дунёда йўқ аёлнинг ёмони,

«Бекорни айтибсиз !» - дейди эркаклар.
Пеш қиларми доим ушбу даъвони,
Ўзи нодон, заиф бўлмаса агар.
Шоирсифат мендек одам мезони -
Шудур: - Йўқдир аёлнинг ҳеч ёмони!

* * *

Совуқ сўз

Кайфиятим тунд, ғариб табассум
Дилдаги зиё ҳам тортди-ку хира.
Ер мавҳум, осмон ҳам мавҳум,
Совуқ сўз зайтидан сўнди хотира!

Изғирин захрига чидайман, бироқ,
Сўзнинг совуғига етмас бардошим
Дўстим, инсоф берсин ўзингга оллоҳ,
Акс ҳолда ҳеч гапмас ўлиб қолишим.

* * *

Сен юлдузсан

Сен юлдузсан, олис ва совуқ,
Меҳрларга отилган ўқсан.
Тун қалбингдан ранг олган аниқ,
Сўзда аёз эмган махлуқсан.
Юрагинг ўрнига қўйиб тош,
Худойим айлабди сириг фoш.

* * *

Соғинч

Ёмғир ёғаётир эзиб, майдалаб
Кўлмаклар махзун сачратади ёш.

Бошлари солинган, ғамнок дарахтлар,
Бемехр ёримдек кўринмас қуёш.

Ёмғир ёғаётир эзиб, майдалаб
Инграйман соғинчга беролмай бардош.

* * *

Тўртликлар

Бўлса ҳамки тоғдек дардинг, аламинг,
Элга чиқармадинг, эҳ, ўзбек қизи.
Юрагинг севгидан ёнди-ю, лекин,
Тилга чиқармадинг, эҳ, ўзбек қизи.

* * *

Ўзимдан сўрагим келади баъзан:
Бунча ҳам бедорсан ахир юрагим?
Дунёни сув босса парво қилмасдан
Одамлар бахтиёр юрибди-ку жим!

* * *

“Сени ёмон кўришим керак!”
Сўз бераман ўзимга ҳар кун,
Буни такрор қилсам-да, малак,
Севгинг қалбни айлайди очун.

* * *

Изҳори ишқ шарт эмас эмиш,
Энди бундай чўпчагингни қўй.
Мудроқ ҳислар ураверсин ниш,
Севаман деб қулоғимга қуй!

* * *

Тушимда ҳам чўчиб кетаман,
Олис йўлда ногоҳ толишдан,
Мен қўрқаман, жуда қўрқаман
Сени ёмон кўриб қолишдан.

* * *

Кўнгилдан кечган гаплар

Абадий бахт йўқ, бинобарин абадий бахтсизлик ҳам бўлмайди.

* * *

Авар аёллари уришаётган эркаклар ўртасига ўз рўмолларини ташлар эканлар ва жанг дарҳол тўхтар экан. Биздаги баъзи итфеъл одамлар эса улар орасига сўнгат ташлайдилар.

* * *

Ажин баъзи одамларнинг юзига эмас, юрагига тушар экан.

* * *

Ажабо, жонсиз ҳайкалдан ҳам завқ оладилар!

* * *

Алам туйғуси гуё темирга тушган занг, юракни кемиради.

* * *

Ажабо, сени кўрсам қишки қуёш эсимга келаверади.

* * *

Айрим кимсалар чўғни ўзгалар қўли билан ушлашга интилади.

* * *

Агар дўзахга кирадиганлар навбатда турган бўлса, биринчи ўринда тургани, менимча, тухматчи бўлса керак.

* * *

Амалпараст ўзидан бир поғона баланд мансабдорнинг
оёғини ялайди, ўзидан бир қарич пастни эса юзсизларча
топтайди.

* * *

«Бугун беш кишининг асабини буздим!» - мамнун
жилмайди у уйқуга ётар экан. «Эртага, худо хоҳласа, ўн
кишининг дилини вайрон қиламан», - дея асаблари яйраб
ширин уйқуга кетди. Унинг калимаси шундай.

* * *

Баъзилар юлдузга ўхшайди. Бағоят гўзал, аммо ҳарорати
йўқ.

* * *

- Бунча кеккайиб осмонга бўй чўзмасанг! – истехзо
билан деди мажнунтол теракка.

– Ўзинг нега қуёшга қарай олмайсан! – сўради терак.

* * *

- Бунча шовқин соласан, жилға?

- Тагим нотекис.

* * *

- Баъзилар қора рангни ёқтиради.

* * *

- Бунча қора ва аччиқсан, тутун?

- Гуриллаб ёнмаган оловдан чиқдим-да!

* * *

- Бунча хорсан, бунча зўрсан, қоғоз !

* * *

Буюк шоирлар - қуёш! Вақт эса булут.

* * *

Баъзиларнинг нутқи эшикнинг ғичирлашига ўхшайди.
Фақат асабни бузади.

* * *

Бечакгул бўй бўйлашиб теракка чирмашди, аммо ёз
бўлмаёқ аро йўлда қовжираб сўлди.

* * *

Баъзи одамларнинг юзига қарагандан кўра тоғдаги
ҳарсанг тошларга боқиб завқ олиш мумкин.

* * *

- Бунча акиллайсан, қари ит?
- Қарисам ҳам барибир итман-да!

* * *

Вакт - соғинчнинг душмани.

* * *

Гуллар - замин табассуми.

* * *

Гул ва тикон ёнма-ён яшайвериши мумкин, аммо
муҳаббат ва нафрат яхши қўшни бўла олмайдилар.

* * *

Гулнинг димоққа ёқувчи бўйидан роҳатланиш учун
унинг тикони зарбига ҳам чидаш лозим бўлади.

* * *

Дунёда атиргулнинг икки мингдан ортиқ хили бор. Унга
эса фақат битта ҳид – янги пулнинг ҳиди ёқади.

* * *

Доимо отасининг елкасида юрадиган бола - қанотсиз
қуш.

* * *

Ердаги тош ҳам кимгадир керак.

* * *

Елим яхши нарса. Синган, узилган, йиртилган
нарсаларни ямайди, аммо елим одамлардан худонинг ўзи
асрасин!

* * *

Ёстиғингга юзимни босдим
Ва қуладим тубсиз жарликка.

* * *

Зоҳирий ва ботиний гўзаллик омухта бўлсагина, аёл
эркакни бахтли қилади. Фақат сурати чиройли, сийрати
ғариб аёл шаробсиз биллур қадаҳни эслатади.

* * *

Замона ёмон эмас, одамлар ёмон.

* * *

Зўравонлик меҳр-муҳаббатнинг кушандасидир.

* * *

Инсонлар маймундан пайдо бўлганига ишониш қийин,
аммо баъзи одамлар хўжайинга ёқиш учун маймунга
айланиши рост.

* * *

Инсон инсонга азоб бермаганда, у минг йил яшар эди.

* * *

Иблис фаришта қиёфасига кириб номоз ўкиди, аммо
унинг «думи» кимлигини фош этиб қўйди.

* * *

«Инсон ўз тақдирини ўз қўли билан яратади». Бағоят ҳақ
гап! Зеро, ношуд одамларгина пешонасидан шикоят
қиладилар, барча кулфатларни тақдирга йўядилар. Шу
тариқа ўзларининг ўқувсизлиги, ақли заифлигини
хаспўшлашга интиладилар, ўзларига далда берадилар.
Уларни тушуниш мумкин, аммо қўллаб бўлмайди.
Бундайлар қўл-оёқсиз, жонсиз ва бефойда ястаниб
ётган харсанг тошни эслатади.

* * *

“Ит ҳурийди, карвон ўтади”. Аммо ҳурийдиган ит билан
ёнма-ён юравериш даҳшат.

* * *

Иффатини йўқотган аёл — ҳидсиз гул, илдизига қурт
тушган дарахт.

* * *

Кема қанчалик улкан ва замонавий бўлса ҳам, ишлаши,
наф келтириши учун уммон керак.

* * *

Кўзи хира одамлар кўзойнак билан равшан кўрадилар.
Қалби кўрлар-чи? Эҳ, қалбойнак йўқ-да!

* * *

“Китоб ўғриси ўғри эмасмиш». Аксинча! Китоб — офтоб.
Унинг нуридан барча баҳраманд бўлиши керак.
Бошқаларни илм нуридан бебаҳра қилиш — энг катта
гуноҳ.

* * *

Кўчанинг ўзи лой бўлса, пойафзалингни артаверишдан
не фойда!

* * *

Кулмайдиган халқ йўқ бўлганидек, бу оламда
йиғламайдиган халқ ҳам йўқ.

* * *

Кўзларингга чўкким келади.

* * *

Кўнгилда армон билан яшаш тузсиз овқат еб юришга
ўхшайди.

* * *

Кулни қанчалик зўр бериб пуфласанг ҳам чўғ бўлмайди.
Олов ёқиш учун эса чўғ керак.

* * *

Кўп бўкирадиган сигир сут бермайди, дейишади. Аммо шаллақи, бақироқ, беандиша одамлар берадиган мева даҳшатли. Агар шундайлар раҳбар бўлса, янада даҳшатли. Кайфият бузилади, меҳнат самарадорлиги йўқолади, ишдан кўнгил совийди.

* * *

Машина юриши учун ёқилғи керак. Баъзи кимсалар эса ўзгалар асабини бузиш эвазига „заправка“ қиладилар.

* * *

Мусофир юртнинг шакари ҳам бемаза татийди.

* * *

Мевали дарахт инсонга камтарона бош эгади. Одамлар эса, эҳ, унга тош отадилар.

* * *

- Мана шу сойни орқага қараб оқизса бўладими?-сўради бошлиқ ўринбосардан.

- Агар сиз шахсан ўзингиз бош-қош бўлсангиз, албатта, оқади,-дея жавоб қилди ўсадиган ўринбосар.

* * *

- Менга қарши чиққанларни йўқ қиламан, имкониятларим кенг! -ўшқирди бошлиқ.

- Йўқ, имкониятинг кенг эмас, дунёнинг тор, ука, -бош чайқади кекса ходим.

* * *

Муסיқа киши қалбидаги кундалик гардни тозалаб туради.

* * *

Меҳр – меҳрга мухтож .

* * *

Меҳр – бу булоқ. Доимо меҳр кўриш учун эса унинг кўзини ҳам тозалаб туриш лозим.

* * *

Мен учун совуқ сўзли қиздан хунук қиз йўқ.

* * *

Муҳаббат – азобга йўғирилган лаззат.

Муҳаббат – лаззатга умидвор қилувчи азоб.

* * *

Минг йил дўзах ўтига товласа ҳам унинг тилига иссиқ ўтмаса керак.

* * *

Мушукни эркалатганинг учун тиззангга чиқади.

* * *

Нахотки эшак бизга етакчи бўлса! – аччиқ хўрсинди карвондаги нортуя.

* * *

Нодон раҳбар фозил ходимларни инфаркт қилувчи вирус

.

* * *

- Нега бир кўз иккинчи кўзни кўрмайдиган қилиб яратилган-а!

* * *

- Нечун фақат изимдан юрасан! – ўшқирди олдинги ғилдирак.

- Киндигим қўлингизда-да, - ғичирлади кейинги ғилдирак.

* * *

- Нега оёғимга кирдинг, тикон?

- Кўзингни шира босиб, ердан узилди-да!

* * *

- Нега юзимни тўсмоқчисан, қора булут?

- Соямдагиларга сендан ҳам зўр эканлигимни кўрсатиб

қўймоқчиман, қуёш.

* * *

Оловни олов билан ўчириб бўлмайди.

* * *

Олифта одамлар тунда ялтировчи шиллиқ қуртга
ўхшайди. Ялтирайди, аммо ўзи эса... шиллиқ қурт!

* * *

Океан бор бўлса тўлқин бўлади.

* * *

Очиқ деразадан на фақат муссафо ҳаво, балки бадбўй
ҳиду чанг-ғубор ҳам киради.

* * *

Одамларнинг шивир-шивиридан ердаги ҳазонларнинг
шитирлаши ёқимлироқ.

* * *

Ойнага қарамаган гул ўзининг нақадар гўзал эканлигини
билмайди.

* * *

Оч кўзни фақат тупроқ тўйдиришига ҳам шубҳам бор.

* * *

Одамлар, бунчалар яхшисиз,
Бунчалар ёмонсиз, одамлар!

* * *

Ота-она дарахт бўлса, илдизи фарзандлардир. Илдиз
қаровсиз қолса, дарахт ҳам қуриydi. Агар ота-она бахтли
яшашни истаса, фарзандларига ҳамиша меҳр кўрсатиб
туриши лозим.

* * *

- Оғзида бирорта ҳам тиши қолмаган одамдан ҳам кўрк, -
насихат қилди қўйга узун сақол эчки.

* * *

Савияси паст мансабдор шаллақи бўлади, ҳақиқатнинг
эса овози паст.

* * *

Суянчиғи бор курсидагина ўтириш қулай.

* * *

- Сенинг хидинг менда бўлсайди, райҳон!

- Қанийди сенга ўхшаган бўлсам, атиргул!

* * *

- Сендан-да гўзалман, тиконим ҳам йўқ, - мақтанди қоғоз
гул атиргулга.

- Лекин димоққа ёқувчи хуш бўйинг ҳам йўқ-да! –
жилмайди атиргул бўй таратиб.

* * *

Содда фалсафа: Амал курсиси жуда баланд қилиб
ясалган бўлса керак, унга ўтирган одамнинг бурни ҳам
кўтарилиб қолади-ку!

* * *

Спорт – оч қоринга ёт.

* * *

Сочларингга оқ тушибди,
Қалбинг оқлигига ҳаваси келиб.

* * *

Сен қовоқ уйдинг. Қовоғинг тоғдек оғир-ки, елкам
букилди.

* * *

Сочларингдек узунки бирам,
Сенсиз ўтган қоронғу тунлар.

* * *

Сен ҳаётимда юлдуз бўлдинг... хира, бадқавоқ.

* * *

Саксон йиллик умрим давомида мақтовни
ёқтирмайдиган бирорта одамни учратмадим.

* * *

Терак қанчалар мағрур кўкка бўй чўзса ҳам, бир кун
барибир тупроққа қулайди.

* * *

Тегирмондан ишлаб чиққан сувдан тотимли сув йўқ!

* * *

Тўғри чизик чизиш учун қаламга жазбар ҳам керак
бўлади.

* * *

Тойчоқ отга эргашса от бўлади. Агар молга эргашса, от
киёфасидаги мол бўлади.

* * *

Уятдан одамнинг юзи қизарармиш. Ажабо, „замонавий“
қизларнинг юзи доимо қизил-а!

* * *

У тегирмондан на фақат бутун чиқади, балки бир қоп ун
ҳам опичлаб чиқади.

* * *

У суратга тушса ҳатто плёнка куйиб кетармиш.

* * *

У жонини сақлаш учун чинорга тирмашди, аммо тошқин чинорни ҳам илдизи билан кўпориб оқизиб кетди. Эҳ, гофил инсон!

* * *

Устозга фақат ўз манфаати кўзи билангина қарайдиган шогирддан меҳрибон устоз чиқмайди.

* * *

Фарзанд ота-онасига қараганда ўз фарзандини афзалроқ кўради. Бу инсоний хусусиятми ёки ҳайвоний?

* * *

Хизмати битган чойни шама дейдилар, ишдан олинган амалпарастни-чи?!

* * *

Хом-хатала ёзилган илмий мақола ўрикнинг гўрасига ўхшайди, фақат нордон таъм қолдиради.

* * *

Чойнакдаги чойни пиёлага қуйиб оз-оз ичадилар. Амалга минган баъзи очкўз кимсалар эса чойни бир йўла чойнаги билан сипқормоқчи бўладилар, натижада оғзилари тез куяди.

* * *

Чинор шу кўркига мева ҳам берса эди!

* * *

- Шу ишни тезроқ амалга оширсак, - деди ходим бошлиққа.

- Яхши фикр! Маслаҳатлашиб кўрамиз, - деди бошлиқ тўлқинланиб.

- Самарадорликни ошириш учун бу ишни қилсак, -деди ишчи бошлиққа.

- Зўр таклиф! Маслаҳатлашиб кўрамиз, - деди бошлиқ жўшиб.

Бошлиқ кўп ўтмай... бемаслаҳат ишдан олинди.

* * *

Шабада кишига ором беради, бўронга айланса эса... азоб.

* * *

Шоҳга яқин бўлишни хоҳлаганлар,шаҳзода билан дўстлашадилар.

* * *

Эркакшода аёллар учраб туради, чунки ... хотинчалиш эркаклар бор.

* * *

Эҳ, инсон, ётган бўлсанг туришни, турсанг юришни, юрсанг эса... ётишни ўйлайсан!

* * *

Эркак қалби торини чертиб мусиқа тинглаш ҳар қандай аёлнинг ҳам қўлидан келавермайди.

* * *

Юқори қаватда яшайдиган киши ёмғирнинг роҳатбахш шилдирашини эшитмайди.

* * *

Яхшиямки худо барча тилли яратганларига гапириш имкониятини бермаган!

* * *

Яхшилиқни билмайдиган инсон ўзгаларга ҳам ҳеч қачон
яхшилиқ қилмайди.

* * *

Ўрик ўтини гуриллаб ёнгани учун қадрланади, исирик
эса тутгани учун.

* * *

- Ўсганим учун кесасанми? - хитоб қилди тирноқ одамга.
- Йўқ, ичинг кир бўлгани учун.

* * *

Ўзинг ўтин ташлашни унитиб, нега олов ўчиб қолди, деб
сўкинасан?!

* * *

Ўзига бино қуйган одамни кўрсам илдизига қурт
тушган, аммо кеккайиб турган терак эсимга келди.

* * *

Ўғри ўғлига қилар насиҳат :
«Ўғирлик гуноҳ, ўғри дўзаҳи».

* * *

Қуёш нури кошона устига ҳам, вайрона устига ҳам бир
хил тушади.

* * *

- Қоронғу тушиб қолди, ишни эрталаб давом эттирамин, -
деди кўр карга астагина.

* * *

Қуёш бағоят ёруғ нур таратгани учун, ажабки, унга қора
кўз ойнак остидан қарайдилар.

* * *

- Қанийди яйраб илдиз отсам! – аччиқ хўрсинди
тувакдаги гул.

* * *

Қора ранг билан қора қоғозга ёзиб бўлмайди.

* * *

- Қанийди мен ҳам ҳурмат билан деворда осиклик
турсам, - хўрсинди ердаги гилам.

- Бунинг учун чирой керак, дугонажон, - ақл ўргатди
девордаги гилам.

* * *

Қуёшдан уялиб мажнунтол ерга қаради.

* * *

Қиш кунда майин шаббода ҳам этни жунжиктиради.

* * *

Қулоғи борлар ҳам кар бўлиши мумкин.

* * *

Ҳайвонлар орасида турдошини ҳам ейдиганлар бор.
Одамлар эса бир бирларининг гўштини емайдилар, фа-
кат ... юракларини кемирадилар.

* * *

- Ҳамма нарса ерга тушади. Сен эса осмонга
кўтириласан, тутун?

- Енгилман-да!

* * *

- Ҳайвон турдошининг жароҳатини тили билан ялаб
тузатар экан, инсон инсонга эса, эҳ, тили билан жароҳат
етказади.

* * *

Ҳатто ота-онадан айрилишга чидаш мумкин. Аммо
Ватандан жудо бўлишга Инсон боласи чидаши қийин!

* * *

Ҳиндистонга йўл олиб, Америка очиш ҳаммага ҳам
насиб этмайди

* * *

Ҳ И К О Я Т

Оллоҳ Инсонга 20 йил умр берди. Йиллар тез ўтиб кетди.

- Эй, олампаҳо! Сен берган умр жуда озлик қилди. Энди балоғат
ёшига етдим. Бола-чақа орттирай, ўзимдан бу дунёда из қолдирай. Ҳеч
бўлмаса яна 50 йил қўшиб бер!

Оллоҳ инсон умрини 50 йилга узайтирди. Йиллар кўз очиб
юмгунча ўтиб кетди.

- Эй, парвардигор! 50 йил умр мен учун қисқа экан. Энди
болаларимни тинчитай дедим. Фароғат кўрмадим. Умрим фақат меҳнат
билан ўтди. Ўзим учун ҳам яшашим лозим, ахир. Ҳеч бўлмаса 100 йил
умр бергин!

Оллоҳ инсонга 100 йил умр берди. Юз йил ҳам бир зумда ўтди-
кетди Ажал яқинлашди.

- Юз йил умр мен учун оз экан, - илтижо қилди инсон худога.
Барча неварачевараларимнинг бахтини кўра олганим йўқ. Ўйлаб
қўйган ишларим ҳали чала. Чет элда ўқиётган эварамни
уйлантиришим керак. Чеварамнинг эса ҳали бошида уйи йўқ. Катта
ўғлимнинг қизи оиласидан ажрашган. Эй, қодир хакам! Менга ҳеч
бўлмаса минг йил умр бер!..

Худо инсоннинг савоб ва гуноҳларини тарозига солди ва ... жим
қолди.

* * *

ТАРЖИМАЛАР

Хайнрих Хайне

ЛОРЕЛАЙ

Юрагимни босар ғам,
Сабабин ҳеч англамам.
Эшитган бир афсонам
Ҳаёлимни қилар банд.

Эсади салқин шамол,
Рейн ҳам сокин оқар.
Шафақ оловин алҳол
Оқшом чўққида ёқар.

Тепаликда ўлтирар
Ҳаёл суриб бир зебо.
Зулфи ҳам мисоли зар,
Тақинчоқлари тилло.

Қўлида олтин тароқ,
Тарайди толим сочин.
Қўшиқ айтади муштоқ,
Қўшиқки, сеҳр – очун.

Денгизда эшкак тутган
Йигит фикри навода.
Қирра тошни унутган,
Боқар дилбар томонга.

Эвоҳ, урилиб тошга
Чўкди қайиқчи-ошиқ
Ногаҳон етди бошга
Лорелай айтган қўшиқ.

* * *

У М И Д

Уфққа боқиб ўйчан моҳитоб
Хўрсинарди аччиқ ва бетин.
Ботаётган хорғин офтоб
Дил ойнасин қилар чил-парчин.

Эй, гўзал қиз! Ғам чекмоқ нега,
Олам учун бу қадим одат .
Ботар қуёш, аммо эртага
Яна порлаб чиқади албат.

* * *

Муқаддас бибиға топинар кимдир,
Кимгадир пайғамбар Пётр, Паул.
Мен эса, малагим, сенгаман асир,
Қалб тўрида унган мангу оппоқ гул.

Лаззатбахш бўса бер менга париваш,
Меҳринг булоғидан қондирай чанқоқ.
Қизлар орасида тенгсиз қуёшим,
Қуёш остидаги дилбар қизалоқ.

* * *

Меҳрибон эдилар бир-бирларига
Ишқдан тун косаси лим-лим тўлибди.
Ҳаром пул келтирса ёр дилбарига,
Тўшакда ноз ила мамнун кулибди.

Ўтар экан шундай бахтиёр дамлар
Ошиқ бус-бутунлай сармаст бўлибди
Бир куни ўғри деб тутса одамлар,
Кишанга қарабон аёл кулибди.

Панжара ортидан маҳзун юз маҳбус
Дилида аланга нола қилибди:
- Соғиндим, кел жоним, ёнгинамга туш,
У эса бош силкиб, шодон кулибди

Йигит тонг олтида тортилмиш дорга,
Эл етти бўлмасдан гўрга қўйибди.
Соат саккиздачи кўзи хумора,
Қўлда қизил шароб, яна кулибди.

* * *

Ванделин Монгольд

К у й

Чор атрофда жаранглайди куй
Юрагимга қувонч бағишлаб.

Изғиринда кўрсатади бўй,
Кўз ёшида балқийди, ажаб...


Чор атрофда жаранглайди куй,
Ҳисларимни айлаб мусаффо.
Уни шовва овозида туй,
Туйгин кўкка ўрлаганда ё.

Чор атрофда жаранглайди куй,
Қор қаърида, қаҳқаҳада ҳам.
Бизни шодон қилмоқ эзгу уй,
Хиёбонда кезади ҳар дам.

* * *

Масаллар


Г.Э.Лессинг



Эзон ва эшак

- Мен ҳақимда ёзадиган бўлсанг, энди ақлу фаросатимни макта!
—деди эшак Эзопга.

-Сени донишманд дейинми? Унда одамлар сени масалчи, мени эса эшак дейишмайдими!



Йўлбарс ва эшак

Эшак ҳанграб йўлбарсга ов қилишда кўмаклашиши лозим эди. Шу боис у ҳайвонлар шоҳига ҳамроҳ бўлган эди.

-Улфатларни қаранглар! Эшак билан бирга юришга уялмайсанми? Ориятинг қани? —дея қағиллади дарахтдаги қора қарға.

-Керак бўлган кимсани ўзимга яқин қиламан, - жавоб берди йўлбарс.

Замона зўрлари оддий одамлар билан мулоқатда баъзан шундай деб ўйлайдилар.

Эшак ва йўлбарс

Йўлбарс эшак билан ўрмонда кетаётган эди. Эшак унга хунук овози билан овда ёрдам бериши лозим эди. Уларга таниш бошқа эшак рўпара келиб қолди.

-Салом, қариндош! – гап қотди у.

-Саломингни йиғиштир! – баландпарвоз жавоб берди йўлбарсга ҳамроҳ эшак.

-Нега энди! Йўлбарсга ҳамроҳ бўлганинг учунми? Нима, сен энди эшак эмасмисан!

Илон

Зевс бақаларга илонни подшоҳ этиб тайинлади.

-Бизнинг подшоҳ бўлсанг, нега бизни ютасан, - қичқиришди бақалар.

-Чунки буни ўзларинг сўрадиларинг.

-Мен сира ҳам илтимос қилмаганман!-алам билан вақирлади илоннинг мўлжалида турган бақа.

-Бу ундан ҳам ёмон. Илтимос қилмаганинг учун биринчи бўлиб сени ютаман.

Қарға

Қарға бургутнинг 30 кун давомида тухумларини босиб ўтиришини билиб қолди.

-Шунинг учун бургут болалари соғлом ва бақувват бўлар экан-да! Мен ҳам шундай қиламан,- деб уйлади қарға.

Бу гал қарға ўз тухумларини роса 30 кун босиб ўтирди. Аммо ... тухумдан барибир қарға чикди.

Яхшилик

-Жонзотлар орасида биздан кўра ҳам кўпроқ яхши иш қилувчи борми?- сўради асалари одамдан.

-Бор.

-Ким?

-Қўй. Сенинг асалинг мен учун жуда лаззатбахш, аммо қўй жуни асалдан кўра менга керакроқ!

Маймун ва тулки

-Айтчи, мен тақлид қила олмайдиган бирорта жонзот борми бу дунёда! – мақтанди маймун тулкига.

-Ўзинг айтчи, бу дунёда сенга тақлид қилишни истовчи бирорта жонзот борми ўзи?- жавоб берди тулки маймунга.

Халқим қаламкашлари! Изоҳ даркорми?

Эшак ва бўри

Эшак оч бўрига дуч келиб қолибди.

-Менга раҳминг келсин. Мен бечора, касалвандман. Бунинг устига, оёғимга тикон кириб кетди, қаттиқ азоб чекмоқдаман, - дея ялиндди эшак титраб-қақшаб.

-Тўғри. Сенга жуда раҳмим келмоқда. Сени шундай азобда қолдиришга виждоним йўл қўймайди. Сени бу азоблардан қутқаришим лозим.

Бўри эшакни бир пастда паққос туширди.

От ва хўкиз

Учқур от устида ёшгина бола ўтирарди. Ёввойи буқа тулпорга истехзо билан гап қотди:

- Ёшгина гўдакка ихтиёрингни бериб ўтирибсан-а! Уят!

– Ёш болани ерга улоқтириш уят эмас-ми!-жавоб қилди тулпор.

Қалдирғочлар

Эски бир черковга минглаб қалдирғочлар уя куришган эди. Черковни бузиб, ўрнига ҳашаматли бино қурдилар. Қалдирғочлар баҳорда қайтиб келиб, уяларини топа олмадилар.

- Шундай улкан бино нимага керак ўзи? Кетдик, бу кераксиз тош уюмидан! - дея чуғурлашиб учиб кетдилар.

Қадр мезони

Хайвонларга одам судья бўлибди.

-Хўш, айтчи, инсон! – дебди шер улуғворона. Сен бизнинг кадр-қимматимизни қандай мезонга кўра баҳолайсан?

-Албатта, инсонга берадиган фойдасига қараб-да!

-Унда мен эшакдан пастда турар эканман-да! Йўқ, сен бизга судья бўла олмайсан. Бизнинг мажлисни тарк эт!-ўкирибди шер.

Қарға ва тулки

Боғбон қўшнисининг мушиғига қўйган заҳарланган гўштни қарға олиб қочибди ва баланд дуб шоҳига қунибди. Буни кўрган тулкининг сўлаги оқиб, қарғани аврай бошлабди:

- Сен бениҳоя бағрикенг, меҳрибонсан,эй, Юпитер қуши! Сен – Зевс яратган қудратли бургут. Мендай оч бир бечора тулкининг қорнини тўйдирмоқни ният қилган саҳийсан. Илтижоларим боис тангри бу лақмани сен орқали менга юборибди. Минг бора шукур, эй, нафосат ва қудрат соҳиби!

Қарға уни бургут деб билаётган тулки сўзларидан яйраб кетибди. “Кел, адашаётганини ўзига айтмай қўя қолай”,-дебди ичида ва панжасидаги гўштни унга ташлабди.

Тулки мийиғида кулганича гўштни чакқон илиб олибди ва очкўзлик билан оғзига урибди. Аммо заҳарланган гўшtdан кўп ўтмай жон берибди.

- Эй, лаганбардорлар! Сизнинг қисматингиз ҳам шундай бўлсин!

Бронза ҳайкал

Бинога ўт кетиб таниқли ҳайкалторош ясаган гўзал ҳайкал беўхшов лойга айланибди. Бу лой янада иқтидорлироқ ҳайкалторош қўлига тушибди. Уста ундан юксак дид билан гўзал ва маҳобатли ҳайкал ясабди.

Буни кўрган Хасаднинг ранги оқарибди ва ноилож ўзини юпатибди: “Бундай нарсани яшаш унинг қўлидан келмасди, бахтига эски ҳакалнинг материали қўлига тушиб қолди-да!”

Қўзичоқнинг қўриқчилари

Бўрибосарлар авлодидан бўлган ит Гилакс беозор қўзичоқни қўриқларди. Узун кулоқ, кенг башара, сержун ит Ликод эса буни кўриб унга ташланибди.

- Қашқир! Қўзичоқни нима қилмоқчисан?

- Сен ўзинг қашқирсан. Йўқол! Акс холда кунингни кўрсатаман.

Бир – бирларини бўри деб ўйлаган “химоячилар ” бечора қўзичоқни бир пастда тилкапора қилдилар.

Буқа ва оҳу

Бақувват буқа ва нозик оҳу ёнма-ён ўтлаб юришарди.

-Менга қара, оҳу,- деб қолди буқа,- агар бизга шер ҳамла қилиб қолса, кел, унга бирлашиб зарба берамиз.

- Менга ишонма,- жавоб қилди оҳу. Қочиб қолиш имкониятим бор бўлган ҳолда шер билан олишишни менга ким қўйибди.

Жангари қашқир

-Отам асл қаҳрамон эди. Асрлар оша унинг номи шон-шуҳратга буркангай! – мақтанди бўри тулкига. У икки юздан ортиқ рақиблари устидан ғалаба қилиб, жаҳаннамга жўнатган. Энди битта рақибдан енгилган бўлса, енгилибди-да!

- Тўғри. Аммо у ер тишлатган юзлаб рақиблар эшак ва қўйлар эди. Отангни маҳв этган ягона рақиб эса буқа эди.

Хасис

-Шўримга шўрва тўкилди!- дод солди бир хасис қўшнисига. Бу кеча кимдир бокқа кўмиб қўйган олтинларимни ўмариб кетибди, ўрнига бир халта тош қўйиб кетибди, лаънати.

- Сен барибир хазинадан фойдаланмасдинг,- кўнглини кўтарибди қўшниси. Шу тошларни олтинлар деб тасаввур қил, ўшанда ўзингни яна бой деб ҳис қилаверасан.

- Тўғри. Будан камбағал бўлиб қолмасман. Аммо бошқа бир киши бойиб кетади-да! Шунга сира чидамайман

Ёввойи олма

Ёввойи олма дарахтига асалари уя қуриб, унинг танасини асалга тўлдирибди. Бундан олма фаҳрга тўлибди.

- Буча кеккаясан?- гап қотди унга қўшни дарахт. Танангдаги асалдан босар тусарингни билмай қолдингми! Аччиқ меванг бундан ширин бўлиб қолганда эди, одамлардан ўшанда раҳмат эшитардинг.

Қўй ва қалдирғоч

Қалдирғоч қўйнинг елкасига қўниб уяси учун бироз жун олмоқчи бўлди ва унинг терисини шилиб қўйди. Қўй бундан ғазабга келди.

- Бунча қизғонч бўлмасанг. Чўпонга бор жунингни берасан-ку!- чирқиллади қалдирғоч.

- Тўғри, лекин сен бу ишни чўпондек чаққон ва моҳирона қилаолмайсан.

Қари бўри тарихи (Етти масал)

1

Ёввуз қашқир қариганда чўпон билан дўстлашишни ният қилди. Шу мақсадда уяси яқинида қўйларини ўтлатиб юрган чўпон ҳузурига келди.

- Муҳтарам чўпон,- гап бошлади у аста. Сен мени қонхўр деб биласан. Аслида мен ундай эмасман. Тўғри, баъзан очликдан ноилож сизлардан ўлпон оламан. Тўқ бўлсам бу дунёда мендан ёввош ва беозор махлуқ йўқ. Агар мени оч қолдирмасанг, шикоят қилишга ҳам зарурат қолмасди.

- Оч бўлмасам дейсанми? Сен ўзи қачон тўқ бўлгансан, қонхўр? Яхшиликча туёғингни шикқилат!

2

Қашқир бошқа чўпон ҳузурига йўл олди.

- Муҳтарам чўпон,- гап бошлади бўри узоқдан. Бир йилда қанча -қанча қўйларингни ғажиб ташлашим сенга аён. Йилига олтитадан қўй бериб турсанг, мен тўқ бўлардим, сен ҳам тинч бўлардин, бекорга қўриқчи итларни ҳам боқиб юрмасдинг.

- Олтита қўй дейсанми? Бу ахир бутун бир пода-ку!

- Майли, бештага ҳам розиман,- деди бўри мулойимлик билан.

- Қалланг жойидами? Бунча қўйни хатто ўзим ҳам қурбонликка сўймайман-у!

- Балки тўрттага рози бўларсан. Чўпон кескин бош силкиди.

- Балки учта, майли иккита .

- Йўқ, бирорта ҳам бермайман. Сенга бергандан кўра уларни қаттиқроқ қўриқлаганим маъқул.

3

- На чора,- аччиқ хўрсинди бўри,- яна бир уриниб кўрайчи.

- Жуда дилим оғриди,- гап бошлади бўри тўрттинчи чўпонга,- сизлар мени виждонсиз, очкўз касофат деб баҳолайсизлар. Аммо, дўстим Монтан, бу менга нисбатан адолатсизлик. Буни исбот қилиб беришим мумкин. Яхшиси, сен менга йилига биттадан қўй бериб тур, тинч бўласан. Отарингга ҳеч ким тегмайди. Битта қўй сўрадим холос. Бағрингни кенг қил. Нега куласан?

- Хўш, неча ёшга бординг ўзи?

- Буни сенга алоқаси йўқ Аммо қўйларингни бўғизидан олишга ҳали кучим етади.

- Ҳафа бўлма! Илгарироқ ақлинг кириши керак эди. Энди қаридинг, буни тишларинг айтиб турибди, ноиложликдан келгансан. Жўнаб қол!

4

Бўрининг қаттиқ жаҳли чиқибди. Бироқ ўзини қўлга олиб тўртинчи чўпон олдига борибди. Худди шу кунлари унинг кўриқчи ити ўлган эди. Бу вазиятдан бўри фойдаланиб қолишни кўзлади.

- Жаноб чўпон, мен ўрмондаги қариндошларим билан қаттиқ уришиб қолдим. Улар билан энди ош – қатик бўлмайман. У очофатлардан отарингга тинчлик йўқлигини биламан. Шунинг учун ҳам мени ўлган итинг ўрнига хизматга олсанг, жонинг тинчирди. Бирорта қашқир подангга теголмасди.

- Сен отаримни кўриқламоқчимисан?

- Шуни сенга таклиф қилмоқчиман-да!

- Тавба! Унда қўйларимни сендан ким кўриқлайди. Ўғри кирмасин деб ўғрини ўзим уйимга олиб кирайми?

- Насиҳатингни пишириб е! – дея жаҳл билан жўнаб қолди бўри.

5

- Эҳ, ёшроқ бўлганимда эди,- мўрт тишларини алам билан ғичирлатти бўри. Илож қанча, қарилик билан ҳисоблашмаса бўлмас экан,- дея бешинчи чўпон хузурига келди.

- Сен мени яхши танийсан, ёшулли!- гап бошлади аста

- Сенга ўхшаганлар билан кўп учрашганман,- жавоб қилди чўпон.

- Йўғ-э. Менга ўхшаганлар билан эмасдир. Мен мутлақо бошқача бўриман. Чўпонларга дўстман.

- Қўйсанг-чи!

- Ҳа , ҳа! Қасам ичиб айтаманки, мен ҳеч қачон тирик кўзининг бўғзидан олмаганман. Фақат майитларни ейман. Шу боис менга баъзи- баъзида отарингдан хабар олишга руҳсат эт, балки бирорта кўзи ...

- Оввора бўлма! Мен билан дўст бўлишни истасанг, қўйларимнинг тиригига ҳам ўлигига ҳам тегма. Ўлган қўйни еган қашқир оч қолганда касал қўйни ўлган, соғлом қўйни касал деб билади. Яхшиси, бу ердан тезроқ қорангни ўчир!

6

Эвоҳ, начора, мен учун энг қадирли нарсадан воз кечишимга тўғри келмоқда,- чуқур хўрсинди қари бўри ва олтинчи чўпоннинг олдига келди.

- Биродар, сенга менинг терим ёқадими?

- Қани кўрай-чи. Ёмон эмас,- деди чўпон. Итлар сенга кўп тегмаган экан.

- Шунақа. Мен кексайдим. Қорнимни тўйдир ва мен сенга теримни васият қиламан.

- Теринг менга жуда қимматга тушар экан. Хақиқатдан ҳам уни менга ҳадя этишни истасанг, ҳозирок берақол.

Чўпон таёғини кўтарди, кекса бўри эса эси борида қочиб қолди.

7

О, бераҳмлар! – дод деб юборди бўри алаmidан. Яхшиликча гапимга кирмадинглар, демак ашшадий душманлигимча ўлай. Ахир очликдан силлам қуриди-ку!

Бўри олға ташланди, чўпоннинг уйига хужум қилди, болаларига чанг солди. Чўпонлар аранг ундан қутилиб қолдилар. Кекса бўрининг жон узилганда, чўпонларнинг донишманд қарияси сўз қотди:

- Биз кекса бўрининг тузалишга бўлган барча интилишларини барбод қилиб, яхши иш қилмадик. Уни тушунмадик, ёрдам қўлини чўзмадик. Шу тариқа уни халок этдик.

* * *

Герхард Бранштнер

ҲАЙВОНЛАР ҲАМ ОДАМЛАР ГҲЁ

Ер остида яшовчи кротнинг гапига қулоқ солмай лочин кекса бир дубнинг устига уя қурди. Крот эса бу дарахтнинг илдизлари касал эканини ва унинг тез кунда қулаб тушишини биларди.

Дарҳақиқат, биринчи довулдаёқ дуб қулаб тушди ва натижада лочиннинг палапонлари халок бўлди.

-Крот маслахатига қулоқ солмай хато қилган эканман,-деб ўйлади лочин. Бироқ унинг маслахатига кирганимда яна ҳам каттароқ хатога йўл қўйган бўлардим. Мен ёшларга ёмон намуна кўрсатган, кротлар эса бундан кейин ҳам бизларга маслахат берадиган бўларди. Унда лочинлигимиз қаёқда қоларди.

* * *

Ф.Вольф

ОҒА-ИНИЛАР

Уч ака-ука уй қурмоқчи бўлдилар.

- Энг муҳими, -деди тўнғич ака,-пойдеворни кенг ва мустаҳкам қуришимиз лозим. Ертўла керак бўлади. Пойдевор мустаҳкам бўлса, уй юз йиллар туради.

- Бу ҳақида гап бўлиши мумкин эмас!-кескин эътироз билдирди ўртанча ини. Энг муҳими хоналар кенг ва барҳаво бўлиши лозим. Биринчи навбатда ўзимиз яшашимиз учун қулай бўлиши керак. Болаларимиз ҳам ўзларига уй қуриб олаберадилар!

-Нималар деяпсизлар? Энг муҳими -бу уй пештоғига осилажак байроғимиз. У қанчалар улуғвор ва мафтункор бўлса, обрўйимиз шунчалар баланд бўлади!

Ака-укалар қишгача мунозара қилдилар. Уй эса қурилмади.

* * *

Ф.Шиллер

Генуяда Фиесконинг фитнаси
(Трагедиядан парча)

Иккинчи парда. Саккизинчи кўриниш.

Фиеско. Ўн иккита ҳунарманд.

Ҳунармандлар: Дориядан ўч оламиз! Жанеттинога ўлим!

Фиеско: Секинроқ, секинроқ, ватандошлар. Мени ҳурмат қилиб уйимга келганингиздан миннатдорман. Шунинг ўзи дилингиз нақадар пок эканлигини исботлаб турибди. Аммо кулоқларим пардалари ҳам йиртилмасин.

Ҳамма (баттар шовқин солиб): Йўқолсин золим Дория! Йўқолсин тоғаяю жиян!

Фиеско (мийиғида кулиб, уларни санайди): Ўн икки киши. Ҳа, ҳа, катта қўшин...

Бир неча ҳунармандлар: Дорияларни йўқ қилиш лозим. Мамалакатда бошқача тартиб ўрнатамиз!

Биринчи ҳунарманд: Биз сайлаган судьяларни сурбетларча қувиб солибди. Зинапоядан улоқтирибди!

Иккинчи ҳунарманд: Қаранг-а, Лаванья, сайловда унга қарши чиққанлиги учунгина уларни ҳайдабди!

Ҳамма: Бунга сира чидаб бўлмайди!

Учинчи ҳунарманд: Олий кенгашга қилич тақиб келибди!

Биринчи ҳунарманд: Қилич, ахир, уруш белгиси-ку! Қонун уйига қилич тақиб ҳам келадими!

Иккинчи ҳунарманд: Бошқа сенаторлар анъанавий қора кийимда келган бўлса, у атайин, алвон кийим кийибди!

Биринчи ҳунарманд: Пойтахт кўчаларида саккизта от кўшилган аравада юрибди!

Ҳамма: Мустабид! У Ватанга ҳам, ҳукуматга ҳам сотқинлик қилди!

Иккинчи ҳунарманд: У инператордан икки юзта немис кўрикчилари сотиб олибди!

Биринчи ҳунарманд: Келгиндиларни Ватан ўғлонларига қарши кўйди-я! У виждонсиз ёлланган аскарлар ёрдамида қонунни топтамоқда!

Ҳамма: Ҳиёнат! Генуя тақдири хавф остида!

Биринчи ҳунарманд: Аравасига яна уялмай-нетмай Республика гербини ҳам ёпиштириб олибди!

Иккинчи ҳунарманд: Сенат ҳовлисига ўз хайкалини ўрнатибди!

Ҳамма: Парчалаб ташлаш керак! Ҳайкалини ҳам, тиригини ҳам чил-парчин қилиш лозим!

Фиеско: Азиз генуяликлар! Нега бу гапларни **айнан менга** айтмоқдасиз?

Биринчи ҳунарманд: Сиз бундай юзсизликка жим қараб турмаслигингиз лозим. Унинг танобини тортиб кўйиш керак.

Иккинчи ҳунарманд: Сиз донишманд одамсиз, бундай ҳолатга бефарқ бўлолмайсиз. Сиз халқни ўйлашингиз лозим.

Биринчи ҳунарманд: У иблис амалпарастга қараганда сиз халол дворянинсиз. Қўл қовуштириб турмаслигингизга ишонамиз. Бир йўлини топинг!

Фиеско: Менга суянганингиздан кўнглим тоғдек кўтарилди. Аммо ишончингизни оқлай олармиканман?

Ҳамма (шовқин солиб): Ур! Йикит! Бизни қутқар!

Фиеско: Ватандошларим! Сизга бир ҳикоят айтай. Унинг мағзини чақинг.

Биринчи ҳунарманд: Сўйланг, Лаванья!

Фиеско (ўтиради): Генуя фарзандлари! Кунлардан бир кун ҳайвонлар салтанатида ғалаён кўтарилибди. Партиялар партияларга қарши очик кураш бошлабди. Оҳир-оқибат зотдор ит тахтни эгаллабди. У бўрдоқи молларни кушхонага ҳайдаб боришга одатлангани боис энди баттар ҳаддидан ошибди. Салтанатда итдек хукмронлик қилиб, рўпара келганни аёвсиз тишлабди. Халқ орасида яна норозилик кучайибди. Бир неча мардлар тил бириктириб, тождор итни бўғиб ўлдиришибди. Сўнгра яна кенгашга тўпланибдилар ва бошқарувнинг қандай шакли яхшироқ деган масалани муҳокама қила бошлабдилар. Овозлар иккига бўлинибди. Ҳўш, ватандошлар, сиз нимани таклиф қилган бўлардингиз?

Биринчи ҳунарманд: Демократияни! Халқ бошқарувини!

Фиеско: Жуда тўғри. Дарҳақиқат, халқ ғалаба қилибди. Демократия ўрнатибдилар. Ҳар бир фуқаро ўз овозига эга бўлибди. Барча муаммолар кўпчилик овоз билан ҳал этила бошлабди. Орадан кўп ўтмай энди тетапоя бўлаётган озод юртга қарши инсон уруш бошлабди. Барча ҳайвонлар яна машваратга тўпланибди. От, йўлбарс, қоплон, айиқ, фил ва каркидон: - “Қўлга қурол оламиз! Эркимизни бир томчи қонимиз қолгунча ҳимоя қиламиз!” - дея ўкирибдилар.

Сўнгра сўз навбати бошқаларга тегибди. Қўй, қуён, кийик, эшак, минглаб ҳашоратлар, қушлар, балиқлар: - “Тинчлик тарафдоримиз! Сулҳ тузамиз!” - дея чийиллабдилар. Тушуняпсизми, генуяликлар! Қўрқоқлар мардлардан, ақли заифлар донишмандлардан сон жиҳатидан ортиқ эди. Масалалар эса кўпчилик овоз билан демократик тарзда ҳал этиларди. Шу боис, иккинчи гуруҳ ғалаба қилибди. Ҳайвонлар инсонга таслим бўлибдилар. Инсон эса уларни қон қақшата бошлабди. Шу тариқа демократик давлат тизимининг ҳам яроқсиз эканлиги аён бўлибди. Ҳўш, генуяликлар! Сиз энди нимани таклиф қилардингиз?

Биринчи ва иккинчи ҳунарманд: Сайлов шаклини. Шубҳасиз, сайловни.

Фиеско: Баракалла! Ҳайвонларга ҳам айнан шу фикр маъқул келибди. Барча давлат мансабларига ўзаро келишиб сайлов ўтказибдилар. Қашқирлар молия ишлари билан шуғулланибди, ўзларига эса тулкиларни котибликка олишибди. Кабутар жиноий ишларни кўрадиган бўлибди, қоплонлар эса дўстлик битимлари тузиш билан шуғуллана бошлабди. Эчкилар оиладаги қўйди-

чикдиларни ҳал қилибди. Аскарликка қуёнлар олинибди. Шер ва филлар эса захирада қолибди. Эшак давлат маслаҳатчиси лавозимини эгаллабди. Кўрсичқон эса ҳукумат назоратчиси бўлибди.

Ватандошларим! Вазифаларнинг бундай тақсимланиши қандай оқибатга олиб келганига эътибор беринг-а! Бўри терисини шила олмаганни тулки йўлдан оздирибди. Тулкидан қочиб қутилган эшак тепкисини ебди. Кабутар ўғри ва каззобларни авф этибди. Кўрсичқон мансабларнинг қўлдан-қўлга ўтишини қонуний деб тасдиқлабди. Ҳайвонлар яна бош кўтарибдилар: - “Бас, энди қаттиққўл ҳокими мутлоқ сайлаймиз! – дейишибди улар бир овоздан. – Калласи ишлайдиган, бақувват панжали монарх сайлаймиз!” Шундай қилиб ҳайвонлар якка ҳокимга содиқ бўлишга қасамёд қилибдилар. Эшитяпсизми, ватандошлар, якка ҳокимга! У эса... *(салобат билан ўрнидан туриб, ҳунармандлар даврасига кириб)* У эса... **шер** эди. Шер эса салтанатда шерчасига тартиб ўрнатибди

Ҳамма *(қарсак чалиб, бош кийимларини осмонга отиб)*: Қойил! Офарин! Жуда зўр иш қилишибди!

Биринчи ҳунарманд: Генуяда ҳам шундай бўлиши керак. Юртимизда эса шундай шерсифат шахс бор!

Фиеско: У ҳақида гапирмайлик. Уй-уйингизга боринглар. Бироқ... **шерни** унутманг. *(Фуқаролар шовқин-сурон билан чиқиб кетишади)*. Ҳамма иш кўнгилдагидек бормоқда. Халқ ва сенат ҳоким Дорияга қарши. Халқ ва сенат Фиескони қўлламоқда. Ҳасан! Ҳасан!.. Мен бундай имкониятдан фойдаланиб қолишим керак. Қаердасан, Ҳасан!.. Халқнинг нафратини алангалатишим лозим. Ҳасан, менга қара! Ҳой, дўзахи аблах! Бу ёққа кел деяпман!

* * *

Петер Йордан

Тундаги саргузашт

- Клаус! Кўзларимга ишонмайман, наҳотки бу сен бўлсанг, - деган жарангдор овоз эндигина машинасига ўтираётган Герт Маркерни тўхтатди. У бундан ҳайрон бўлиб орқага ўгирилди.

Вожаб! Унинг қаршисида маъбуда Дианадек илоҳий бир гўзал турарди. Герт довдираб қолди: «Э ... э, сенмисан. Таниш қийин-а» - деди ниҳоят тили ғулдираб.

- Шунақасан-да! Эрикангни дарров унутибсан,- ўпкаланди соҳибжамол ноз-ишва билан узун киприкларини пирпиратиб.

Гэртнинг юраги ҳарпираб кетди:

-Нималар деяпсан! Наҳотки сени унутиб бўлса,- деб юборди беихтиёр.

У ўрталаридаги девор кулаб, бир-бирлари билан тил топганларидан хурсанд бўлиб кетди. Шундай сулув қиз унга бирданига таниш чиқиб қолса-я! Бундай тасодифий бахтдан юз ўгириб бўладими ахир!

- Мен ҳозир такси чақирмоқчи бўлиб турган эдим, - деди қиз унинг фикрларини уқиб тургандай.

-Қўйсанг-чи бу гапни, ахир биз эндигина учрашдик-ку, - дея Гэрт «қадрдон»ини яқиндаги барга етаклади.

- Ишларинг қалай, Клаус? Кўришмаганимизга ҳам анча бўлди. Ҳали ҳам телевидениедамисан? – сўради Эрика шампан виносини хўпларкан.

Гэрт телестудияда ҳеч бўлмаган эди. У гапни чалғитиш учун:

-Ҳа ... ҳа. Иш кўп. Минг хил ташвиш. Хўш, ўзингчи? – деб қўя қолди.

Кеча давомида Гэрт нотаниш Клаусга ҳавас қилиб ўтирди. Шундай гўзал қизга бемехр, эътиборсиз у тошбағирни ичида роса койиди, унинг нодонлигидан куйинди.

- Вой, худойим-ей, соат икки бўлиб қолибдику! Менга такси чақириб берарсан, - эркаланди Эрика.

-Такси, дейсанми. Ўзим элтиб қўяман, - деди Гэрт шоша-пиша.

У машинани ўт олдиаркан, сўради:

- Ҳали ҳам эски уйингда турибсанми?

- Йўқ. Ҳозир дугонам билан Блангбергда яшаяпман. Юравер, ўзим йўл кўрсатаман.

«Бошқача жавоб бўлса, нима қиларканман», деб ҳадиксираб ўтирган Гэртга жон кирди.

Эрика мудрар, Гэрт эса энди ҳақиқатни айтсаммикан, деб ўйлаб борарди.

-Шу ерда тураман. Раҳмат сенга, Клаус, - деди ниҳоят Эрика машина чироғи ёруғида кўзга ташланган уйни кўрсатиб.

Гэрт машинани тўхтатди. Иккаласи бир муддат жим қолдилар. Эрика машинадан тушаркан, Гэрт унга базур деди:

- Эрика, кечирасиз, мен ... тан олишим керакки, сиз мени бошқа биров билан адаштирдингиз, чоғи. Мен Клаус эмас. Гэрт Маркерман. Мендан жаҳлингиз чиқмадими?

Гўзал оҳу кўзларини пирпиратиб:

- Мутлақо. Нега энди сиздан хафа бўлай. Ахир, ўзим ҳам Клаусни танимайман-ку! Мен уни ўйлаб топдим, холос.

Актрисанинг ортиқча пули қолмаган, охириги трамвай эса жўнаб кетган бўлса, ахир бошқа нима ҳам қила оларди!

* * *

МУНДАРИЖА

ШЕЪРЛАР

Мухаррирдан.....	3
Онажон.....	4
Аёлим.....	6
Юрт соғинчи.....	7
М... га.....	8
Дунёнинг ишларин тушунмадим ҳеч.....	8
Кечиккан муҳаббат.....	9
Модерн усулида.....	9
Бу дунёда.....	10
Совуқ сўз.....	10
Сен юлдузсан.....	10
Соғинч.....	11
Тўртликлар.....	11
Кўнгилдан кечган гаплар.....	12
Ҳикоят.....	27
Лорелай.....	28
Умид.....	29
Куй.....	30
Эзоп ва эшак.....	31
Илон.....	31
Қарға.....	31
Яхшилик.....	31
Маймун ва тулки.....	32
Эшак ва бўри.....	32
От ва ҳўкиз.....	32
Қалдирғочлар.....	33
Қадр мезони.....	33
Қарға ва тулки.....	33
Бронза ҳайкал.....	34
Қўзичоқнинг қўриқчилари.....	34
Бука ва оху.....	34
Жангари қашқир.....	35
Хасис.....	35
Ёввойи олма.....	35
Қўй ва қалдирғоч.....	36
Қари бўри тарихи.....	36
Ҳайвонлар ҳам одамлар гўё.....	39
Оға-инилар.....	40
Генуяда фиесконинг фитнаси.....	41
Тундаги саргузашт.....	45

Адабий-бадний нашр

Ўктамали Нурматов

Кўнгилдаги гаплар

Мухаррир :

Жамолиддин Муслим

Техник муҳаррир :

Саиджон Жўраев

Дизайнер:

Илҳомжон Қаххаров

Мусахҳих :

Таваккалхон Акборова

Босишга рухсат этилди: 26.04.2010. Бичими: 84x108 1/16

Нашриёт босма табоғи: 3,0 Шартли босма табоғи: 3,25. Адади 200 нусха Бюртма
№29

“Фарғона” нашриёти

150114. Фарғона шаҳри, С.Темур кўчаси, 26-уй

“Жахоннашриёт” ХК босмаҳонаси.

150114,. Фарғона шаҳри, Герцент кўчаси 2-уй

Лиц.№22-1568,2007 йил 27 июль



Муаллиф ҳақида

Ўктамали Нурматов 1950 йилнинг 20 сентябрида Наманган вилояти Чуст туманидаги Олмос қишлоғида туғилган. Ҳозирда Наманган давлат университети немис ва француз тиллари кафедраси профессори вазифасида самарали фаолият олиб бормоқда.

1985 йили Ф.Шиллер драмалари ва уларнинг таржималари таҳлили бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаган. Унинг “Шиллер Ўзбекистонда”, “Ф.Шиллер драматургияси” каби монографиялари, “Ф.Шиллернинг “Макр ва муҳаббат” фожеаси”, “Ўқиш китоби”, “Немис тилида артиклнинг қўлланилиши”, “Уй ўқиши фанидан сабоқ”, “Немис тилида сифатнинг қўлланилиши” каби ўндан ортиқ ўқув-услубий қўлланмалари ҳамда 70 дан ортиқ илмий-услубий мақолалари чоп этилган.

У Олмониянинг нуфузли университетларида немис олимлари билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишлари олиб борган ва бугунги кунда ҳам германистика, Ғарбий Европа адабиёти, немис-ўзбек адабий алоқалари ҳамда бадиий таржима соҳасида янги илмий лойиҳалар бўйича муваффақиятли изланишлар олиб бормоқда.